

PEDAGOGIK MAHORAT

MS
2021



Гулия ХАБИБОВА

Бухоро давлат университети
педагогика кафедраси катта ўқитувчиси

Умида БАҲРИЕВА

Бухоро давлат университети талабаси

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШИ - ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЕТАКЧИ ШАКЛИ СИФАТИДА

Мазкур мақолада олий таълим муассасаларида талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг мақсади ва вазифалари, принциплари ва амалга ошириши шарт-шароитлари мазмуни ёритилган.

Калит сўзлар: таълим, мустақил фаолият, лойиҳалаш, компетенция, принцип, тайёргарлик, натижа.

В статье раскрывается содержание целей и задач, принципов и условий организации самостоятельной работы студентов в высшей школе.

Ключевые слова: образование, самостоятельная деятельность, дизайн, компетентность, принцип, подготовка, результат.

This article describes the content of the goals and objectives, principles and conditions for the organization of independent work of students in higher education.

Key words: education, independent activity, design, competence, principle, preparation, result.

Кириш. Жаҳондаги етакчи давлатлар олий таълимни ривожлантириш йўналишларида талабаларнинг мустақил ишлари фойзининг тобора кўпайиб бораётганлиги тенденцияси кузатилмоқда. Бу ўз навбатида “ўқитиш”дан “ўргатиш” жараёнига ўтишни тақозо этмоқда. Таълимда компетентли ёндашув амалга ошириляётган вақтда мустақил ишлаш кўникмалари ва малакалари тизимини шакллантириш, талабалар мустақил фаолияти маданиятини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий таълим жараёнида мустақил иш таълимни ташкил этиш шакли сифатида қаралиб, талабаларда зарур ахборотларни мустақил излаш, аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда ўқув материали мазмунини ижодий англаш ва қабул қилиш, таҳлил қила олиш қобилиятларини, шунингдек, фаоллик, мустақиллик, ижодкорлик, билишга интилиш хусусиятларини ривожлантириш имкониятини беради.

Биз томонимиздан тақдим этиляётган технологик ёндашувлар талабалар, магистрлар, ҳамда ўқитувчиларнинг турли шаклдаги мустақил ишларни бажариш ва баҳолашни ташкил этиш муаммоларини ечишга, шунингдек, ўз-ўзини ривожлантириш, лойиҳалаш кўникмаларини такомиллаштириш имкониятини беради.

Асосий қисм. Давлат таълим стандартига асосан талабаларнинг мустақил иши таълим жараёнининг муҳим компоненти ҳисобланиб, маъруза машғулотлари давомида эгалланган билимларни мустақамлаш, ўз навбатида бу билимлар мазмунини англаш ва кенгайтириш, умуммаданий ҳамда касбий компетенцияларни шакллантириш, илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширишга оид кўникмаларни ривожлантириш имкониятини бериб, семинар, амалий ҳамда лаборатория машғулотларига тайёргарлик ҳамда жорий, оралик, якуний назоратларни топшириш жараёнидаги фаолиятни назарда тутати.

Турли хил билимларни эгаллашга оид мустақил иш кўникмалари инсоннинг илк болалик давридан бошланиб бутун умри давомида ривожланиб боради. Олийгоҳда ўқишни бошлаш даврида ҳар бир талаба мактаб, мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўрганган, ижтимоий муҳитда шаклланган ўз фаолиятини ташкил этиш бўйича кўникмалар ва шахсий тажрибасига эга бўлади. Мураккаб умуммаданий ҳамда касбий компетенцияларни эгаллаш асносида, олийгоҳда таълим олиш жараёнида мустақил ишни ташкил этишга қўйиладиган талаб сезиларли даражада кўпаяди. Тажриба шуни кўрсатадики, талабаларнинг мустақил ишни бажаришга қўйиладиган талабаларни бажаришга тайёргарлик даражалари турлича бўлади.

Бу ўринда талабаларнинг иккита асосий гуруҳи ажратилади. Биринчи гуруҳ вакиллари универсал ўқув компетенцияларига эга бўлган ҳолда мустақил иш вазифаларини муваффақиятли бажарадилар яъни, олинган маълумотларни эслаб қолиш ва тушуниш, мантиқий фикрлаш, ўқув материални оғзаки ва ёзма баён қилиш, ҳисоблаш, ўлчаш, лойиҳалаш кўникмаларига эга бўладилар.

Иккинчи гуруҳ талабалари ўқув материалини ўзлаштиришга йўналтирилган мустақил ишларни мунтазам бажаришда муайян қийинчиликларга дуч келадилар. Улар паст ўқув компетенцияларни намойиш қилган ҳолда ўз фаолиятларини сустрарзда ташкил этадилар.

Олий таълим жараёнида амалга ошириладиган мустақил ишлар куйидаги **вазифаларни** ҳал этишга йўналтирилади:

-аудитория ва аудиториядан ташқарида талабалар томонидан эгалланган билим, кўникмаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, уларни ақлий ва жисмоний фаолият стереотипларига айлантириш;

- ўқув режасидаги фанлар бўйича кўшимча билим ва кўникмаларни эгаллаш;

- илмий-тадқиқот фаолияти билан боғлиқ билим, кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш;

- таълим дастурларини сифатли ўзлаштиришга бўлган муносабат ва установкани ривожлантириш;

- мустақил фикрлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини такомиллаштириш фаолиятини ташкил этиш кўникмаларини ривожлантириш;

- самарали мустақил касбий назарий, амалий ва ўқув-тадқиқот фаолияти кўникмаларини ҳосил қилиш.

Талабалар мустақил ишлари вазифаларини бажариш ва амалга ошириш учун бир қатор **шарт-шароитлар** бўлиши талаб этилади. Булар:

- моддий-техник базанинг мавжудлиги;

-аудитория ва аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил ишлашлари учун зарурий ахборот фондининг мавжудлиги;

-талабаларнинг мустақил ишлар таркибига кирувчи аниқ вазифаларни бажариш учун керакли биноларнинг мавжудлиги;

- талабалар мустақил иши вазифалари мазмунининг асосланганлиги;

-мустақил ишнинг фан ишчи дастури ҳамда уни бажаришга ажратилган вақт билан боғлиқлиги;

- профессор-ўқитувчилар томонидан талабаларда ўз фаолиятини ташкил этиш ва универсал ўқув компетенциялари кўникмаларини шакллантириш

- ўқитувчилар томонидан талабалар мустақил ишларини бажаришнинг барча босқичларини назорат қилиб бориш, натижаларнинг жорий ва якуний назорати.

Муҳокамалар ва натижалар. Замонавий таълим жараёни доирасида мустақил ишларни ташкил этишнинг куйидаги ўзига хос **принциплари** мавжуд:

- ўқитишнинг интерфаоллиги принципи (талабалар ҳаракатини назорат ва коррекциялашни амалга оширишни таъминлайдиган интерфаол мулоқот ва тесқари алоқани таъминлаш).

- талабалар интеллектуал қувватларини ривожлантириш принципи (тафаккурнинг алгоритмик, кўргазмали-образли, назарий услубларини ҳамда мураккаб вазиятларда қулай ва турли хил қарорлар қабул қилиш, ахборотни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш).

— ўқитишнинг дидактик даври узлуксизлиги ва бутунлигини таъминлаш принципи (модул, бўлим, ҳамда мавзу доирасида дидактик даврнинг барча бўғинларини амалга ошириш имкониятини ҳосил қилиш).

Талабаларнинг мустақил иши ўқитувчи томонидан фаннинг ишчи дастури мазмунида режалаштирилади ва ўз ифодасини топади. Технологик харитада эса мустақил ишнинг шакли, ҳажми, бажариш муддати ҳамда баҳолаш мезонлари ёритилади.

Талабаларнинг мустақил иши:

- ташкил этиш жойи (аудитория ва аудиториядан ташқари);

- ташкил этиш мақсади (фан ишчи дастурида белгиланган ва асосланган мақсад асосида);

- ташкил этиш шакли (якка ҳолда, жамоавий)га қараб таснифланади.

Мустақил ишни ташкил этиш шакли (якка ҳолда, жамоавий)ни танлаш ўқув фани мазмуни ва ўқитишни ташкил этиш шакли билан аниқланади (маъруза, семинар, амалий машғулот, назорат иши ва х.к.з)

Турли даражадаги мустақил иш турлари фарқланади:

1. Намуна асосидаги мустақил иш - мустақил фаолиятнинг паст даражаси.

Ечимни аниқлашнинг таниқли усулини қўллаган ҳолда вазифаларни бажариш. Бу ишлар ўқитувчи томонидан аввал кўрсатилган ҳамда талабалар томонидан тажрибадан ўтказилган мустақил ишларни қайта такрорлаш асосида бажарилади.

2. Реконструктив-вариатив тип мустақил фаолиятнинг бошланғич даражаси. Билимларни типик вазиятларга онгли равишда ўтказиш, турли ҳодисалар, воқеалар, фактларни таҳлил қилиш, билиш фаолияти методлари ва усулларини шакллантириш имкониятини беради.

3. Эвристик мустақил ишлар - мустақил фаолиятнинг ҳаракатчан даражаси. Ўқувчиларда ижодий шахсни шакллантиришга ёрдам беради. Бу типдаги ишларни бажаришда доимий равишда янги ечимларни излаш, эгалланган билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш, уларни ностандарт вазиятларга ўтказиш тақозо этилади.

4. Предмет ичида ва предметлараро тадқиқот типдаги мустақил ишлар - мустақил фаолиятнинг юқори даражаси. Мустақил ишларни бажаришнинг энг юқори босқичи ҳисобланиб, бундай ишларни бажаришда вазифа ечимини топиш йўллари ишлаб чиқиш талаб этилади.

Олий таълим муассасасидаги аудитория машғулотларининг асосий турлари: маъруза, амалий машғулот, семинар, семинар-конференция ҳисобланади.

Маърузага тайёргарлик.

Маъруза – йирик ҳажмдаги ўқув материални оғзаки баён қилиш методи саналиб, унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: қатъий мантикий кетма-кетлик, узатилаётган ахборотларнинг кўплиги, билимлар баённинг тизимлилиги.

Исталган фан мазмунини ўзлаштириш фан бўйича тайёрланган ишчи дастурда белгиланган мавзуларни аниқ кетма-кетликда ўрганиб, таҳлил қилиб бориш орқали эришилади. Профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган ўқув-услубий мажмуалар таркибида мавзулар бўйича маърузалар матнининг мавжудлиги, шунингдек, улар томонидан тайёрланган дарсликлар, ўқув қўлланмалар талабаларга бўлажак лекция мазмунини англаш ва маъруза жараёнида саволлар билан фаол иштирок этиш имкониятини юзага келтиради. Талабаларнинг 2 соатлик маъруза машғулотида тайёргарлик вақти 0,2 соатдан кам бўлмаслиги лозим.

Амалий машғулотга тайёргарлик.

Амалий машғулотлар - махсус жиҳозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба майдонида ташкил этилиб, таҳсил олувчиларда улар томонидан ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга йўналтирилган таълим шакли. Амалий машғулотга тайёргарлик ўзида мустақил фаолиятнинг: амалий машғулотни ўтказишнинг мақсад ва вазифалари ҳақида аниқ тасавурга эга бўлиш, ақлий, таҳлилий, илмий фаолият кўникмаларини ажратиш каби элементларини қамраб олади.

Амалий машғулотга тайёрланишда талабалар уйда илмий ҳамда ўқув адабиётлардан фойдаланган ҳолда, машғулот учун мавзуга оид 3-4 та тадқиқот вазифаларини белгилаб олишлари зарур. Бу ўз навбатида амалий машғулотда бажарилиши лозим бўлган ишларни аниқ кетма-кетликда бажариш ва мақсадга эришиш имкониятини ҳосил қилади.

Семинар машғулотида тайёргарлик.

Семинар – олий ёки ўрта махсус талаба (ўқувчи)ларининг муайян назарий курсни қанчалик ўзлаштирилганликларини аниқлаш усули, мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган ўқув амалиётининг муҳим турларидан бири. Семинар машғулоти гуманитар фанларни ўрганишда талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг энг кўп тарқалган ва анъанавий шакли ҳисобланади.

Семинарда мустақил тайёргарлик қуйидагиларга йўналтирилган бўлади:

- илмий ёки бошқа адабиётларни ўрганиш қобилиятини ривожлантиришга;
- баъзи масалаларни чуқурроқ тушунишга доир қўшимча ахборотларни излашга;
- мавжуд ахборот манбаларидан машғулот мавзуси бўйича соҳа вакиллари, олимларнинг фикрларини тўғри танлай олиш ва библиографик меъёрлар асосида расмийлаштириш;
- танланган ахборот манбаларини таҳлил қила олиш кўникмаларини ривожлантиришга;
- муҳокама қилинадиган саволлар бўйича ўз чиқишларини тайёрлаш;
- муҳокамада у ёки бу муаммоларни таҳлил қилишдаги турли фикрларга нисбатан тезкор муносабатни билдириш кўникмаларини ривожлантириш.

Семинар-конференцияга тайёргарлик.

Семинар-конференция семестр давомида 1-3 марта ўтказилади. Чунки талабалар бу мустақил иш фаолиятига маълум вақт давомида тайёргарлик кўришларини тақозо этади. Уни ташкил этишда семинар машғулоти ҳамда илмий конференция шакллари уйғунлашади. Бунда турли тадқиқодчиларнинг маълум бир йўналиш ёки муаммо юзасидан докладлари тингланади. Семинар-конференцияга мустақил тайёргарлик кўришда талабалардан муҳокама қилинадиган муаммонинг назарий жиҳатлари ёритилган ҳамда экспериментал тадқиқотлар натижалари қайд этилган 2-3 манба (монография, мақолалар) мазмунини ўрганишлари талаб этилади.

Сўзга чиқувчи ўз доклади мавзуси бўйича барча бериладиган саволларга жавоб беришга тайёр бўлиши керак. Ҳар бир чиқишдан сўнг турли тадқиқотчилар томонидан тақдим этилган илмий фикрларнинг муҳокамаси амалга оширилади.

Жорий, оралик, якуний назоратга тайёргарлик.

Таълим соҳасида эришилган яхши натижалар ёшлар тарбиясига ҳам таъсир кўрсатади, уларда кўтаринки руҳ, ўз кучига бўлган ишонч ва қизиқиш пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш таълим тизимининг ажралмас қисмидир.

Ҳар бир фан бўйича талабаларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш мунтазам равишда олиб борилади.

Жорий назорат – бу таълим жараёнида талабалар томонидан ўқув дастурида белгиланган муайян мавзуларни ўзлаштирилиш бўйича билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли. Бу назорат ўқитувчи томонидан ўтказилиб, талабаларнинг билим даражасини аниқлаш фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича кундалик баллар қўйиб боришни назарда тутаяди.

Оралик назорат ўқувчилар томонидан ўқув материалининг муайян боб ёки бўлимлари бўйича ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли.

Яқуний назорат – таълим олувчиларнинг ярим йиллик учун белгиланган ўқув материаллари бўйича ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли бўлиб, ўрганилган мавзулар бўйича ёзма, оғзаки, тест шаклида ўтказилади.

Назорат ишларига мустақил тайёрланиш талабалар учун муҳим ҳисобланиб, улар муайян мавзулар бўйича қўшимча интернет материаллари, хорижий адабиётлардан фойдаланишлари натижасида ўрганилаётган мавзу, бўлим, курс бўйича билимларни мустақамлашга эришадилар.

Хулоса. Мустақил фаолият муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни амалга оширишга хизмат қилади, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ёки аудиториядан ташқарида бажарилади. Фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, мустақил иш турлари бўйича топшириқлар ишлаб чиқилади. Талабалар мустақил ишининг асосий мақсади - ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат бўлиб, турли даражадаги мустақил ишларни бажаришда талабалар конспектлаштириш, мисолларни танлаш, таққослаш, фанлараро алоқаларни аниқлаш, қўшимча адабиётларни қўллаш каби комплекс фаолият усулларида фойдалана олишлари муҳимдир.

Адабиётлар

1. Вербицкий А. А. Самостоятельная работа и самостоятельная деятельность студента / А. А. Вербицкий // Проблемы организации работы студентов в условиях многоуровневой структуры высшего образования: тез. докл. Всерос. науч.-метод. конф. - Волгоград: ВолгГТУ, 1994. С. 6.
2. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфулов Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.
3. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 4.

МУНДАРИЖА

Бахтиёр АДIZOB. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари	5
Ширинбой ОЛИМОВ. Таълимни технологиялаштиришнинг асосий элементи	9
Болта ХОДЖАЕВ. Олий ўқув юртларида муаммоли таълим технологиясини қўллашнинг айрим жиҳатлари.....	15
Nasiba AZIMOVA, Zarina NASIMOVA. O‘qituvchi nazokatida dilkashlik va pedagogik takt.....	20
Акбар ГУЛБОЕВ. Педагоглар фаолиятини ташхис қилишнинг назарий ва методологик асослари.....	26
Qobiljon ABDULLAYEV, Nargiza BOBOMURODOVA. Qadimgi mesopatamiyadagi madaniy-ma’rifiy taraqqiyot sarchashmalari	30
Гулия ҲАБИБОВА, Умида БАҲРИЕВА. Талабаларнинг мустақил иши - таълимни ташкил этишнинг етакчи шакли сифатида.....	33
Лола ЭЛИБОЕВА. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини оширишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш	37
O‘lmas QURBONOVA. O‘zbekiston va Finlyandiya ta’lim tizimi: muammo va istiqbollar.....	42
Гулчеҳра ИЗБУЛЛАЕВА. Муслихиддин Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асари юксак дидактик манба сифатида	46
Gulnoz TOSHOVA. Pedagogik faoliyat va uni takomillashtirishda pedagog mahorati	52
Manzura OCHILOVA. Sharq mutaffakirlari merosida oilada bolalarni axloqiy tarbiyalash.....	57
Dildora TOSHEVA. Boshlang‘ich sinflarda “Atrofimizdagi olam” fanidan “Yashil dorixonona” mavzusini o‘qitishning pedagogik-psixologik imkoniyatlari.....	61
Bobomurod JO‘RAYEV. Somoniylar davrida ta’lim tizimi va mazmuni.....	65
Dilfuza RAKHMONOVA. Equirements for preschool education teacher.....	70
Matluba HOJIYEVA. TA’LIM JARAYONIDA AKSIOLOGIK TARBIYANI TASHKIL ETISHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	74
Нигина ИСМАТОВА. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий кадрятлардан фойдаланиш усул ва воситалари.....	79
Олимжон АХМАДОВ. Бухорода янги усул мактаблари фаолияти (XIX аср охири XX аср I чораги) .	83
Nilufar RAXIMOVA. Tarbiya va shaxs kamoloti	89
Gulshan SAIDNAZAROVA. Al-Buxoriyning hadislarida tarbiya masalasi	94
Нигора САЙФУЛЛАЕВА. Методика оценки развития экономического мышления у студентов вуза	98
Маърифат УМУРОВА. Мактабгача ёшдаги болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда музиканинг ўрни.....	103
Oybek ORTIQOV. O‘quvchi-yoshlarni milliy mafkura ruhida tarbiyalash mazmuni	109
Феруза РАМАЗОНОВА. Бўлажак ўқитувчиларда касбий эътиқодни шакллантириш педагогик муаммо сифатида	113
Olimjon AHMADOV, Dilnoza ELOVA. Buxoro bosmaxona va nashriyotlariga texnika sohasidagi yangiliklarning kirib kelish tarixidan (1920-1924-yillar).....	116
Madina BAXRAMOVA. Modulli ta’limni joriy etishning muammolari va yechimlari	120
Болта ХОДЖАЕВ, Ситора ШАРИПОВА. Талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини активлаштиришда муаммоли таълим имкониятларидан фойдаланиш	124
Shaxlo XALILOVA. Jahon pedagogikasida pedagogik muloqotning zamonaviy uslublari va uning milliy pedagogik muloqot uslublari bilan integratsiyasi	129
Zuxriddin SHERNAZAROV. Abdulla Avloniyning ma’rifiy-pedagogik faoliyati	134
Феруза ЖУМАЕВА. Ўзбек оилаларида ёшларнинг оилавий тарбия ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш	138